ЎЗБЕКИСТОН, ТЕНГЛАР АРО ТЕНГ ВАТАН, ТЕНГЛАР АРО, ЎЗБЕК ЭЛИМ, БЎЛ ОМОН.

Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети

№ 174 (21. 273) 1992 йил 3 сентябрь, пайшанба Нархи 3 сўм.











Тошкент. Мустақиллик майдони. 1992 йил 31 август.

Суратни махсус мухбиримиз В. МОЛГАЧЕВ олган.

БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ ҚАНОТ ЁЙМОҚДА

Вилоят мухбирларимиз хабар қиладилар:

● **АНДИЖОН**

● Мустақиллик шодиёнаси! Бу ўзгача шодлик, ўзгача ҳурсандчиликдир. Унинг замирида бир олам маъно ва қувонч борлигини андижонликлар ҳам қалбдан ҳис этишди. Ҳамма қишлоқда, ҳамма овулда «Мустақиллик эрк берди», «Мустақиллик қарамликдан қутқазди», деган сўзлар битилган алвонлар хилпираб турди. Кун бўйи карнай-сурнай садолари янгради, ўйин-кулги тинмади. Санъаткорлар, дорбозларнинг чиқишлари, полвонларнинг курашлари, қизиқчиларнинг аскиялари, осмон узра таралган мушаклар, хирмон рақслар кишиларга завқ-шавқ бахш этди.

Байрам арафасида вилоят ҳокими Қаюм Холмирзаев бир гуруҳ илғор кишиларга Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик нишонини топширганди. Улар орасида ишчилар, дала меҳнаткашлари, зиёлилар, ижодий ходимлар, уруш ва меҳнат фахрийларининг вакиллари бор. Мустақиллик рамзи бўлган бу нишон кишилар кўксида ял-ял товланади...

Андижон шаҳридаги меҳр-шафқат хиёбонига уруш ва меҳнат фахрийлари тўпланишди. Бу ерда 150 нафар ногирон ва ночорларга совғалар топширилди. Сўнг ҳаммага ош тортилди.

Навоий боғида савдо ярмаркаси, ҳунармандлар расталари очилди. «Нур» ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳаллий саноат маҳсулотлари кўргазмага қўйилди. Машҳур қизиқчи Абдулхай Маҳсим бошчилигида аскиялар бўлди. Вилоят ҳокими Қ. Холмирзаев Бобур майдонига тўпланган минглаб меҳнаткашларни мустақиллик байрами билан табриклади. Бу тантанада ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Н. Шокиров, қўшни Ўш вилоятидан келган меҳмонлар ва бошқа раҳбар ходимлар қатнашдилар.

Андижон шаҳрининг 160 жойида сайл қатнашчиларига ош тортилди. Мустақиллик байрами куни Қашқар—Хитой—Андижон ҳамкорлигида бунёд этилган миллий таомлар ошхонаси очилди. «Узум» бозорида жойлашган бу ошхонанинг очилиш маросимида Хитойдан келган меҳмонлар ҳам иштирок этдилар.

Андижон шаҳрининг «Ҳунармандчилик» маҳалласида яшовчи 85 ёшли Ҳаким Раҳимов Мустақиллик кунида Халқ демократик партиясига аъзоликка қабул қилишларини сўраб ХДП вилоят кенгашининг котибига ариза топширди.

Илгари Андижон шаҳридаги етим болалар уйида 21 нафар боланинг суннат тўйи ўтказилган эди. Мустақиллик куни ўша болаларнинг ҳар бирига омонат дафтарчаси очилиб, 1300 сўмдан пул ўтказилди. Шунингдек, Асакада 15 нафар боланинг суннат тўйи бўлди. Унда ХДП вилоят кенгашининг котиби Р. Мухторов қатнашди. Балиқчи районида байрам куни гўшт маҳсулотлари 20 фоиз арзонлаштириб сотилди.

● **ҚАШҚАДАРЁ**

● Буюк ипак йўлида жойлашган қадимий Касби қишлоғи аҳолиси қувончли воқеанинг гувоҳи бўлди. Бу ерда шинамгина чойхона, диндорлар учун жоме мачити фойдаланишга топширилди.

Шу қишлоқ ёки Ульянов районидаги А. Навоий номли давлат хўжалиги марказида 500 ўринли маданият саройи ишга тушди. Қадимий Шарқ архитектураси услубида барпо этилган бу бино вилоятда ягонадир.

Улуғ бобомиз Мир Алишер Навоийга ҳайкал, улуғ Ватан урушида мардларча ҳалок бўлганларга ёдгорлик комплекслари ўрнатилди. Бу яратувчилик ишлари жуда қисқа муддатда «Каршистрой» бирлашмаси бунёдкорлари ҳиммати билан амалга оширилди.

(Давоми иккинчи бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич! Сиз ўтказаётган адолатли ва узоқни кўзловчи сиёсат ҳозир халқимизга мустақилликнинг бир йиллигини мағрурлик билан кутиб олиш имконини берди, халқимиз ўз мамлакатининг муаммоларини мустақил ҳал қила олишига ишонч бағишлади.

Ўз навбатида биз, «Навоиназот» меҳнатчилари республиканинг иқтисодий мустақилликка эришувига баҳоли қудрат ҳисса қўшишга тайёрмиз; дўстлигимиз, аҳиллигимиз ва осойишталигимиз билан республикадаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаймиз.

Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз, ўн минг кишилик жамоамиз сизнинг иқтисодий ва сиёсий фаолиятингизни, халқлар ўртасида тинчликни таъминлашга, Ўзбекистонни юксалтиришга қаратилган ишингизни тўла қўллаб-қувватламоқда ва маъқулламоқда.

Жамоа номидан САИДОВ,
Навоий шаҳри, «Навоиназот».

* * *

ҚАДРЛИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!

Буюк байрам — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни нурлари бугун қалбимизга ҳарорат бағишламоқда. Оталаримиз ва боболаримиз шу муқаддас ҳуқуқни асрлардан буён орзу қилиб келдилар. Шу орзу-умидлар йўлида халқнинг ажойиб фарзандлари ўз ҳаётларини қурбон қилдилар. Уларни хотирлаб бугун биз бош эгамиз.

Тақдирга раҳмат, У озодлик ва мустақиллик каби тушунчаларнинг бутун теранлигини англаб етишимизга имконият бағишлади. Сизнинг мустақил Ўзбекистон келажаги йўлидаги фидокорона меҳнатингиз халққа куч ва ғайрат бағишламоқда.

Ҳозир жонажон Ўзбекистон тарихида мустақиллик ва тараққиётнинг янги олтин саҳифаси очилди. Сизни шу буюк кун билан чин қалбдан самимий табриклаймиз, ватанимиз бахт-саодати йўлида муваффақиятлар тилаймиз. Сизга ва онангизга энг яхши истакларимизни изҳор қиламиз. Ҳамиша соғ-саломат бўлинг.

Ҳурмат билан, Ж. Ж. МАЛИКОВ,
Тошкент вилояти Зангиота райони ҳокими.

* * *

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИГА

Ассалому алайкум ҳурматли Ислом Абдуғаневич!

Ипак шаҳри Марғилон меҳнаткашлари сизни ва республика раҳбариятини она-Ватанимиз мустақиллиги куни билан самимий табриклайдилар. Сизнинг маънавий сиёсатингиз, халқ тўғрисидаги доимий ғамхўрлигингиз, мустақиллик ва келажак йўлида ҳормай-толмай қилаётган меҳнатингиз беқиёс миннатдорлик туйғуларини уйғотмоқда.

Сизнинг Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очиш имконини берган мардлигингизни бутун жаҳон самимий ҳурмат қилмоқда.

Марғилонликлар Ватанимиз мустақиллигини ҳалол ва фидокорона меҳнат билан мустаҳкамлайдилар, шаҳримизнинг 1200 йиллик юбилейини ўтказишга қўшаётган ҳиссангиз учун сиздан самимий миннатдормиз.

Мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистон тараққиёти ва фаровонлиги йўлидаги фаолиятингизда куч-ғайрат ва зўр матонат тилаймиз.

Худога шукурки, йўлимиз ёруғ, келажагимиз — порлоқ.

Марғилон аҳли номидан
шаҳар ҳокими У. ҲАКИМОВ,
ҳокимнинг биринчи ўринбосари А. ҲУСАНОВ.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЛАРИГА

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутловлар қабул этгайсиз. Мустақил Ўзбекистон халқига самимий ҳурматимизни изҳор этамиз ва гўзал диёрингизнинг барча кишиларига осойишталик, бахт саодат, равнақ тилаймиз.

Президент жаноблари, бизнинг газетамизга кўрсатган эътиборингиз учун сизга миннатдорлик изҳор этишга рухсат бергайсиз. Шу тариқа Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги яхши қўшниларча, ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишига ўз камтарин ҳиссамизни қўшамиз деб умид қиламиз.

Сизга ва мамлакатингиз халқига камоли ҳурмат билан,
«Япония сегодня» газетасининг
масъул муҳаррири В. ПЕРФИЛЬЕВ.

Ислом КАРИМОВ:

РОССИЯ БУНИ ТУШУНИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Останкино» ахборот телеагентлигига берган мусоҳабасида Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг бундан кейин ҳам сақланиб қолиниши тарафдори эканлигини маълум қилди.

«Мени ташвишга солаётган нарса шуки, — деди Ўзбекистон Президенти, — бир-биримизга керакли эканлигимиз ҳақидаги тушунчалар қуруқ сўзда қолмоқда. Мени Афғонистон ва Тожикистон орасидаги, Эрон ва Туркманистон ўртасидаги чегараларнинг хавфсизлиги ва сақланиши ўйлантиради.

— Ўзаро хавфсизлик ҳақидаги шартномага имзо чекаётганимизда, — давом этди Президент, — Россия бизнинг минтақада хавфсизлик кафили бўлишига умид боғлаган эдик. Айнан шу гапни мен яна бир бор такрорламоқчи эдим: агар Россия буни тушунмаса, унинг узоқдаги чегаралари яқинига бориб қолиши мумкин». Ислом Каримовнинг фикрича, айнан ана шу масала МДҲ мамлакатлари раҳбарларининг Бешкекда ўтадиган навбатдаги учрашувида энг муҳим аҳамият касб этиши лозим.

Ў З Б Е К И С Т О Н — ҚЎШИЛМАСЛИК ҲАРАКАТИДА

1 сентябрь куни Индонезия пойтахти — Жакартада очилган Қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг конференциясида Ўзбекистон Қўшилмаслик ҳаракатига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди. Конференция қарори билан Филиппин, Бруней, Мьянма (Бирма) мамлакатларига ҳам ҳаракат аъзолигининг мақоми берилди.

Қўшилмаслик ҳаракатига бундан 31 йил муқаддам асос солинган эди. Унинг бешигини тебратган Жавоҳарлаъл Неру, Сукарно, Кваме Нкрума, Жамол Абдул Носир, Иосип Броз Титолар кейинчалик учинчи дунё давлатларининг афсонавий раҳбарларига айландилар. Бугунги кунда жаҳондаги 108 давлат Қўшилмаслик ҳаракатининг аъзосидир. Шуниси қувончлики, собиқ СССР давлатлари орасида Ўзбекистон Қўшилмаслик ҳаракати аъзолигига қабул қилинган дастлабки ва ягона мамлакатдир.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ БИР ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

● Республика мустақиллигининг бир йиллиги кунида Россия пойтахтидаги 130 дан ортиқ хорижий элчихоналарнинг вакиллари Большая Полянкада жойлашган Ўзбекистон элчихонасига келдилар.

Дипломатларга ўтган йилда республикада юз берган ўзгаришлар тўғрисида, Ўзбекистон раҳбариятининг миллатлараро тотувлик ва ички барқарорликка қаратилган сиёсий йўли ҳақида сўзлаб берилди. Мустақил республиканинг Ўрта Шарқдаги вазият хусусида тутган йўлига меҳмонларнинг алоҳида эътибори қаратилди. Можароли вазиятларни ташқаридан аралашувсиз тинч йўл билан ҳал этишгина Афғонистон ва Тожикистондаги қарама-қаршилик ёнғинини ўчира олади.

Ўзбекистон Республикасининг Москвадаги элчихонасида қабул маросими уюштирилди. Унда Россия ҳукуматининг раҳбарлари иштирок этдилар.

(ЎзА).

ИСТИҚЛОЛ ДОРИЛФУНУНИ



Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласини газетамизда эълон қилишни давом эттирмоқдамиз.

(Иккинчи ва учинчи бетларга қаранг).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИ ЎҚИШНИНГ ЯГОНА ЙЎЛИ—УНГА ОБУНА БЎЛИШДИР...

● ОБУНА БАҲОСИ:
● БИР ЙИЛГА 384 СЎМ,
● 6 ОЙГА — 192 СЎМ,
● 3 ОЙГА — 96 СЎМ.

И С Т И Қ Л О Л

20.

ошириш. Аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам олиш шаклларини эркин танлаш имкониятларини яратиш;

— умумий таълим олиш, касбни ва тегишли махсус тайёргарликни ўтишни эркин танлашда барчага баравар ҳуқуқ бериш. Янги демократик таълим концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим бўлади. Бунда ўзбек халқининг ва республика ҳудудида яшовчи бошқа халқларнинг миллий, тарихий ва маданий анъаналари, маънавий тажрибаси таълим ва тарбия тизимимизга узвий равишда киритилиши зарур;

— ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароитларни яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилиш. Қишилар шуни аниқ ва равшан англаб етишлари керакки, маънавий потенциални илдам ривожлантирмай туриб, республиканинг чинакам мустақиллигини ва равнақ топишини таъминлаб бўлмайди.

Фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни қарор топтириш мана шундай сиёсий, давлат ва конституциявий тузумга эришиш калитидир.

Оила — жамиятнинг негизи. Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждон

(Давоми. Боши газетамизнинг 27, 28 ва 29 август сонларида).

қонунлари асосига қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир.

Мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир. Ўз давлати билан фахрланиш ва фуқароларнинг ватанпарварлиги жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг илғор марраларга чиқиб олишида ёрдам берган. **Мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт.**

Ҳар бир инсоннинг, айниқса эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўкис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир.

Халқи юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилган Ўзбекистон чинакам мустақилликни қўлга киритиб, гуллаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, тараққий этган демократик давлатлар қатори халқаро ҳамжамиятда муносиб ўринни эгаллаши—биз кўзлаётган олий мақсаддир. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси бунинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР УСТИВОРЛИГИ ВА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ҲАМКОРЛИККА АСОСЛАНГАН ТАШҚИ СИЁСАТ

Давлат мустақиллигига эришиш БМТга ва бошқа халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб кириш Ўзбекистонга ўзининг ташқи сиёсатини мустақил равишда ўтказиш, жаҳон ҳамжамиятига киришнинг ўз йўлларини ишлаб чиқиш, давлатлараро муносабатларнинг йўналишлари ва устиворликларини белгилаш имконини берди.

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш — давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти ва ғоят муҳим воситасидир.

Ўзбекистон Республикаси учун мустақил ташқи сиёсат юритиш — давлат фаолиятининг янги ва амалда қўлланилмаган йўналишларидан биридир. Яккаҳокимлик тизими шароитида Ўзбекистон халқаро майдонга тўғридан-тўғри ва очиқ чиқиш имкониятидан маҳрум этилган бўлиб, ўзининг ташқи сиёсий давлат идораларига, етарлича дипломатларига ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги мутахассисларига эга эмас эди.

21.

22.

Сўнгги вақтларгача республикада шундай кадрлар тайёрлайдиган бирорта ҳам институт йўқ эди.

Республика, унинг корхоналари тўғридан-тўғри ташқи алоқаларни мустақил равишда ўрнатиш имкониятидан амалда маҳрум қилинган эдилар, ташқи савдо соҳасида Марказ яккаҳокимлигининг қаттиқ тазйиқини доимо сезиб турардилар. Ҳамма валюта ҳисоб-китобларини фақат Иттифоқ идоралари амалга оширар эдилар. Республика табиий, хом ашё ресурслари ва етиштирган маҳсулоти қаёққа кетишини, уни экспорт қилишдан тушган маблағ кимга тегишини билмасди. Айни вақтда хорижий техника ва технологияни, халқ истеъмоли молларини етказиб бериш борасида батамом қарам эди.

Ўзининг халқаро обрў-эътиборини қозониш ва мустаҳкамлаш, халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ўзини қарор топтириш учун кўп ишларни қилиш, баъзида эса умуман бошидан бошлашга ҳам тўғри келади.

Қуйидаги асосий принциплар Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатига, уни амалга ошириш йўлларини белгилашга негиз қилиб олинган.

Биринчиси. Ўзининг миллий-давлат манфаатлари устун бўлгани ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш. Бизнинг мустақил давлатимиз бирон-бир буюк давлатнинг таъсир доирасига тушиб қолиш ниятида эмас. Ўзбекистон яна кимгадир бўйсуниш учун мустақил бўлгани йўқ.

Иккинчиси. Республика одамлар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда умум-

23.

Ислом КАРИМОВ:

ЖОНАЖОН ДИЁРИМИЗ, ВАТАНИМИЗ, ЗАМИНИМИЗ











Тошкент. Мустақиллик майдони. 1992 йил 31 август.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

Байрам тантаналари республикамиз бўйлаб қанот ёймоқда

(Давоми. Боши биринчи бетда.)

Байрамона безатилган қадимий Насаф Қарши шаҳрида мустақиллик куни 1 сентябрь тантаналари эрта тонгданоқ бошланди. Кўча ва хиёбонларда «Ўзбекистон», «Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик» деган сўзларга кўзингиз тушади. Одамлар қалбларида қувонч, юзларида табассум.

Шаҳар болалар маданият ва истироҳат боғи ҳар қачонгидан гавжумлашди. Боғда Дўстлик карнавали, марказий ўйингоҳда эса «Ўзбекистон Ватаним маним» мавзуида театрлаштирилган маданий-оммавий тадбирлар ўтказилди.

● **НАМАНГАН**

Республикамиз мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган байрам тантаналари вилоят марказида, шаҳар ва районларда, қишлоқ ва маҳаллаларда катта шодиёнага айланиб кетди. Вилоят, шаҳар ва район ҳокимлари шу куни қариялар, болалар уйларида, мактаб-интернатларда бўлиб, бу ерда яшаётганларни байрам билан муборакбод этдилар. Республикамиз ривожига муносиб ҳисса қўшган кишилар, уруш ва меҳнат фахрийларига муносиб эҳтиром кўрсатилди. Шу куни ёрдамга муҳтож кишилар, урушларда боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар ҳамда кўп болали оилалардан хабар олинди. Уларга имкони борича моддий ёрдам кўрсатилди.

Вилоят марказидаги Бобур ҳамда Машраб номли маданият ва истироҳат боғларида дорбозлар, ҳаваскорлар, цирк артистлари, ўзбек, тожик, қирғиз, рус, корейс халқ дасталари байрам иштирокчиларини хушнуд этди. Шунингдек, вилоятдаги 14 дам олиш маскани, 10 маданият ва истироҳат боғида ҳам сайллар, маданий-маърифий кўнгилочар тадбирлар бўлиб ўтди. Наманган шаҳрининг бир неча жойида, шаҳар ва район марказларида савдо ярмаркалари ташкил этилди.

● **ТОШКЕНТ**

Ўзбекистон мустақиллиги куни вилоятнинг барча шаҳар ва районлари, хиёбонлару маҳаллаларида зўр шоду хуррамлик билан нишонланди. Шу куни янги маданий-маиший биноларнинг калитлари эгаларига топширилди.

Уруш ва меҳнат фахрийлари, моддий кам таъминланган оилалар, ногиронлар, болалар уйларида тарбияланувчилардан хабар олиниб, уларга хайрия-эҳсонлар, турли совғалар улашилди, хатна тўйлари бўлиб ўтди. Ҳўжалик, ташкилот ва маҳаллаларда ош тортилди кейин байрамона қизиқарли тадбирлар ўтказилди. Бу тантаналар район ва шаҳар марказларида уюштирилган халқ сайлларига уланиб кетди.

Тантаналарда вилоят ҳокими С. Сайдалиев ва Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Ў. Турғунов қатнашиб, меҳнаткашларни самимий табрикладилар. Уларга жойлардаги ҳокимлик ва партия кенгашлари раҳбарлари ҳамроҳлик қилдилар.

● **БУХОРО**

● Мустақилликнинг рангоранг байроқларига бурканган шаҳар истиқлол байрамини катта шодиёналик билан кутиб олди. Вилоят марказидаги ўйингоҳда мустақиллик байрамига бағишланган умумхалқ тантанаси бўлиб ўтди. Уни шаҳар ҳокими У. Носиров очди.

Вилоят ҳокими Д. С. Ёдгоров бу ерда тўпланган меҳнаткашларни Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги билан қизғин муборакбод қилди. Вилоятдаги тожик, корейс, рус, турк миллий-маданий марказларининг бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўз санъатларини намойиш этдилар.

Вилоят марказидаги тантаналарда Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Р. Мўминов қатнашди.

Шундай тантаналар вилоятнинг барча район марказлари ва шаҳарларида бўлди ва миллий спорт мусобақалари, мушакбозликлар билан якунланди.

● **НАВОИЙ**

Жумҳуриятимиз мустақиллигининг шонли бир йиллигини бошқа вилоятлар қатори Навоий вилояти кончилари, кимёгарлари, саноатчилари ҳам зўр қувонч билан кутиб олишди. Биринчи сентябрь куни вилоят марказида, шаҳар ва районларда чинакам байрам бўлди. Мустақилликни мадҳ этувчи турли шиорлар кўча-хиёбонлар, маданият саройларини безади.

Айниқса, вилоят марказидаги «Фарҳод», «Ширин», «Наврўз» маданият саройларида санъаткорларнинг турли чиқишлари, бадиий ҳаваскорлик дасталарининг чиқишлари байрам қатнашчиларининг олқишларига сазовор бўлди.

Мустақиллик куни оқшомида «Сўғдиёна» ўйингоҳида мустақиллик тантаналарига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Бу маросимда вилоят ҳокими А. Айдарқулов сўз олиб, байрам иштирокчиларини қизғин табриклади. Шундан сўнг ўйингоҳда байрам тантаналари бошлаб юборилди. Тантаналарда барча районлардан келган санъаткорлар, спортчилар иштирокида байрам мусобақалари бўлиб ўтди. Шунингдек, бу ерда турли савдо ярмаркалари ташкил этилди. Байрам тантаналари Зарафшон, Учқудуқ шаҳарлари ҳамда Навоий, Навбаҳор, Қизилтепа, Хатирчи районларида ҳам кенг нишонланди.

● **СУРХОНДАРЁ**

● Ўзбекистоннинг Афғонистон республикаси билан чегарадош вилояти Сурхондарё диёрида байрам тантаналари ўзгача бир салоҳият билан кечди. Мустақил давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатидан мамнун эл-юртнинг осойишталигидан шукроналик, эртанги кунга катта ишонч ҳамманинг чеҳрасида намоён эди.

Истиқлолимиз бир ёшга тўлди. Шу бир йил Сурхондарёга асрлар бераломаган янгиликларни улашди. Воҳада дорилфунун очилди. Энг қолоқ бўлмиш саноатни ривожлантиришга киришилди. Пойабзал, атлас тўқиш, мебель, мева қуритиш ва қайта ишлаш корхоналари қурилди. Деярли ҳар бир районда тўқимачилик саноатига пойдевор қўйила бошланди. Шиша идишлари, цемент, қанд-шакар заводлари қурилишига киришилмоқда.

Президентимизнинг фармонлари қишлоқларга рўшнолик ато қилмоқда. Хўжалик, шифобахш ичимлик суви икки юз чақиримчалик қувурлар орқали Шерободга ва Музработ даштларига етиб келди. Газлаштиришда яхши ишлар қилинмоқда. 15 минг гектар ер томорқа қилиб берилди.

Сурхондарё неандерталь одамларининг изи тушган юрт, Жаҳонга донғи кетган Бактрия — Кушон салтанати замонларида меъморчилик, маданият гуллаб-яшнаган маскан. Жаҳонда биринчи шаҳар туғилган юрт. Имом Мусо Термизий, Ал-Ҳаким Термизий, Собир Термизий сингари буюк алломалар маскани. Имом Термизий, Абдураҳмон Ажзи мақбараларининг қайта таъмирланиши Термизнинг бош майдонини Ал-Ҳаким Термизий номи билан аталиши ва бу майдонга унинг ҳайкалини ростланиши аждодларимиз руҳи шод этилаётганидан нишонадир.

Сурхондарёда Ўзбекистон мустақиллигининг бир йилли-

(Давоми учинчи бетда).

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ БИЛАН

● **1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилиниши муносабати билан амнистия эълон қилинди.**

● **5 сентябрда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонун, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида» Олий Кенгашнинг Баёноти муносабати билан ва республика жамоатчилигининг кўпдан-кўп истаклари ҳисобга олиниб, Тошкент шаҳридаги В. И. Ленин номли майдонни Мустақиллик майдони деб қайта номлаш тўғрисидаги халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг таклифи қабул қилинди.**

● **7 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил этилди.**

● **16 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги тузилди.**

● **25 сентябрь. Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги таклиф қабул қилинди. Шунга кўра, Ўзбекистон мустақиллиги йўлида шаҳид кетган буюк адибларимиз: Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат ҳамда хонанда Шерали Жўраев, мусаввир Баҳодир Жалолов, меъморлар: Серго Сутягин, Мурод Фозилов, халқ устаси Саминжон Мўйдинов ва ҳиндистонлик адиб ва таржимон Манзар Салимлар Навоий мукофотининг биринчи соҳиблари бўлишди.**

● **26 сентябрь. Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги Иттифоқ — республика комитети тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик бошқармаси тузилди. У республика Президентига бўйсунади.**

● **16 октябрь. Давлат божи жорий этишга қарор берилди.**

● **18 ноябрь. Президент «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига имзо чекди.**

● **29 ноябрь. «Деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва республикада ишбилармонлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Фармон чиқарилди ва у амалга оширила бошлади.**

● **6 декабрь. Ўрта Осиё темир йўлининг Оролбўйи бўлими ташкил этилди.**

● **25 декабрь. «Пахта иши» билан судланиб, республика ҳудудидаги аҳлоқ тузатиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар авф этилди. Шунга кўра бир неча минг киши жазо муддатини ўташдан озод этилди.**

● **1992 йил 7 январда Ўзбекистон Республикаси телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комите-**

ДОРИЛФУНУНИ

башарий қадриятларни устун қўйиб, халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш учун курашади. Ўзбекистон ядросиз минтақа бўлиб қолади, тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кириш нияти йўқ.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги, ҳужум қилмаслик ҳақидаги, низоли масалаларни ҳал этишда куч ишлатишдан ва куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларни тан олади ва уларга оғишмай риоя қилади.

Учинчиси. Республиканинг ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари асосида қурилади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида, бутун ташқи сиёсатда ҳам бизнинг шиоримиз —тенглар орасида тенг бўлиш, «катта оға»нинг қош-қовоғига қараб иш тутишдан узил-кесил ва абадул-абад халос бўлишдир.

Тўртинчиси. Мафкуравий қарашлардан қатъи назар ташқи сиёсатда очиқ-ойдинлик принципини рўёбга чиқаришга ва барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқаларни ўрнатишга интилади.

Бешинчиси. Ўзининг миллий ҳуқуқий тизимини вужудга келтираётган ёш мустақил Ўзбекистон ички миллий қонунларидан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устиворлигини тан олади. Бизнинг мустақил давлатимиз ўз қиёфасини йўқотмай, жаҳон ҳамжамиятига кирар экан, халқаро талабларга риоя қилишга тайёрдир.

Олтинчиси. Ўзбекистон тўла ишонч принциплари асосида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш учун, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш учун ҳаракат қилади.

Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда юқорида айтиб ўтилган принципларга қатъий риоя қилади, уларни бойитиб ва кенгайтириб бориб ташқи сиёсий ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишларини қатъият ва изчиллик билан турмушга татбиқ этади.

Ўзбекистоннинг ғоят хилма-хил давлат, тарихий, иқтисодий, маданий, миллий ва диний анъаналари, манфаатлари дипломатиямизнинг устивор йўналишларини танлаб олишга таъсир ўтказмоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини ташкил қилувчи мамлакатлар билан бевосита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ташқи сиёсатимизнинг устивор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Ҳамдўстлик ғоясини қўллаб-қувватлади, унинг ташкилотчилари таркибига кирди, барча қатнашчиларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида уни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш кераклигини қатъий туриб ёқламоқда.

МДҲ таркибида ўз мақсадимизга, яъни чинакам мустақилликка тезроқ эришиш мумкин. Бунинг учун Ҳамдастлик ўзининг номига тўла-тўкис мос келиши лозим. МДҲ давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқларининг Тошкентдаги учрашуви Ҳамдўстликнинг келажаги борлиғини кўрсатди. Мустақил давлатларнинг ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорликка, кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этиш йўлларини биргаликда излашга, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга интилиши сақланиб қолинган.

Бир қарашда қанчалик ғайритабиий бўлиб кўринмасин, айни тўлақонли давлат мустақиллиги ҳозирги куннинг ғоят мушкул вазифаларини биргаликда, ҳамкорликда ҳал этиш ва Ҳамдўстликни ривожлантиришдан иборат табиий интилишни кучайтириш имконини беради.

Ўзбекистоннинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги иштирокини қуйидаги ҳолатлар белгилаб беради:

1. Янги мустақил республикалар илгари ягона давлатнинг таркибий қисмлари эди. Улар ҳам ҳудудий, ҳам жаҳон миқёсидаги сиёсий, ҳам ташкилий жиҳатдан бир бутун эдилар. Кўп йиллар мобайнида улар ўртасида таркиб топган муносабатлар ва алоқаларнинг кескин узилиши республикаларнинг ўзидагина эмас; шу билан бирга халқаро майдонда ҳам вазиятни чигаллаштиришга олиб келган бўлур эди.

2. Республика иқтисодиёти ягона транспорт ва энергетика тизимига эга бўлган собиқ умумиттифоқ иқтисодий макони доирасида шаклланди ва ривожланди. У бошқа минтақалар билан хўжалик алоқаларининг чамбарчас тугуни орқали боғланган бўлиб, улар юзасидан ўзаро ҳисоб-китоблар рубль маконида амалга оширилмоқда. Бу муносабатларни жаҳон хўжалик алоқалари билан тегишлича тўлдирмай узиб қўйиш (шундай алоқаларни ўрнатиш учун узоқ вақт талаб этилади) ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайиб кетишига, иқтисодий аҳволнинг ёмонлашувига, ижтимоий муаммоларнинг кескинлашувига олиб келиши мумкин ва ҳозирдаёқ шунга олиб келмоқда.

3. Барча мустақил республикаларда, хусусан Ўзбекистонда ҳам собиқ Иттифоқ кўламида яқин қариндош-уруғчилик алоқаларига эга бўлган кўп миллатли аҳоли яшайди. Ҳамдўстлик доирасида чегараларнинг очиқлигини, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга бориши ва ахборот узатиш эркинлигини сақлаб қолиш республикада фуқаролар ҳамда миллатлараро тотувликни таъминлаш шарти, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

4. Ёш мустақил давлатлар ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий муносабатларда ҳали етарлича обрў-эътиборга эга эмаслар. Уларнинг халқаро мақомини мустаҳкамлаш учун вақт зарур. МДҲга аъзолик хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишни заррача ҳам чекламайди, дипломатия соҳасидаги фаоллигимизга эса салмоқ қўшиши аниқ.

Ўзбекистон Ҳамдўстлик доирасида бошқа мустақил мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилаётганлиги туфайли қуйидагилар таъминланмоқда:

(Давоми бор).

УЧУН БУТУН БОРЛИҒИМИЗНИ БАҒИШЛАЙМИЗ

Байрам тантаналари республикамиз бўйлаб қанот ёймоқда

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

гига бағишланган байрам тантаналари Ал-Ҳаким Термизий майдонидан бошланди. Вилоят ҳокими Х. Бердиев истиқлолнинг воҳага берган шарофати хусусида гапирди. Ранг-баранг байрам томошалари катта-кичикнинг қалбида истиқлолдан ифтихор туйғуларини жўштирди. Боғлар, хиёбонлару кўчаларга чиққанларни истиқлол байрами оғушига олди.

Шунингдек, вилоятнинг барча районларида, қишлоқ, яйловларида, тоғ қишлоқларида одамлар бу кунни шоду хуррамлик билан қаршиладилар.

● ФАРҒОНА

● Шаҳардаги «Спартак» ўйингоҳи тантаналар марказига айланди: Фарғона вилояти ҳокими М. Исломов йиғилганларни истиқлол байрами билан табриклади. Катта байрам тантаналари бошланди.

Ўйингоҳ узра вертолётда мустақил Ўзбекистон байроғи олиб ўтилди, парашютчилар, спорт усталари маҳоратини намойиш этди, тўплар гумбурлади.

Ўзбек халқининг тарихи ва буюк алломаларига бағишланган театрлаштирилган лавҳалар, вилоят болалар рақс дастасининг чиқишлари зўр қизиқиш билан кутиб олинди. Буюк ипак йўлини эслатиб юк ортилган туялар карвони ўтди. Тантаналарда қўшни Ўш, Жалолобод, Ленинобод вилоятлари вакиллари иштирок этишди.

Истиқлол байрами тонг отарида вилоят туғруқхоналарида 245 нафар чақалоқ туғилди. Бахтиёр оилаларнинг ҳар бирига 1000 сўмдан суюнчи берилди.

● ХОРАЗМ

● Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган тантаналар Хоразмда бир неча кун давом этди.

Биринчи сентябрь куни асосий тантаналар Урганчда, театр майдонида ўтди. Бу ерда Огаҳий номидаги вилоят театрининг артистлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, қизиқчилар, спортчилар, от спорти мактабининг устозлари маҳоратини намойиш этди.

Шаҳарнинг Халил Содиқов номидаги 20-мактаби ўқувчилари ташкил этган илмий асарлар кўргазмаси кўпларнинг эътиборини жалб қилди. Ихтисослаштирилган бу билим даргоҳининг ўқувчилари республика ва халқаро олимпиадаларда қатнашиб, ўндан ортиқ турли мукофотларни, жумладан, аниқ фанлардан билимлари учун биринчи ўринни олиб, медалларни қўлга киритганлар. Бу йил мактабни битирганларнинг 80 фоизидан кўпроғи олий ўқув юртларига кирди.

Хоразмга келган жуда кўп саёҳатчилар ҳам мустақиллик кунини нишонладилар. Улар орасида Туркия, Франция ва Германиядан келган меҳмонлар бор эди. Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти ва Қорақалпоғистон делегациялари хоразмликларни мустақиллик куни билан самимий қутладилар...

● ЖИЗЗАХ

● Вилоят ҳокимининг знёфатидан чиққан фахрийлар, шаҳар меҳмонлари бош майдонда тарихий Жиззах қўзғолони композициясини тамоша қилдилар. Бундан 76 йил муқаддам Ватан мустақиллиги, эл озодлиги йўлида курашиб шаҳид бўлган юртдошларини ёдга олдилар.

Мустақиллик байрами шодиёналарига Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон жумҳуриятларидан келган меҳмонлар ўзгача файз бағишладилар. Вилоят марказининг бош майдонига тўпланганларни қўшни Тожикистон республикасининг Ленинобод вилояти ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари В. Верхоглазов, Жиззах вилояти ҳокими Э. Турсуновлар муборакбод этишди. Шундан сўнг таниқли санъаткорлар, бадиий ҳаваскорлар иштирокида катта байрам томошалари бошланди. Ўрта Осиёда машҳур қизиқчи Ҳожибой Тожибоевнинг ҳар бир чиқиши тўпланганларнинг гулдурос қарсакларига сабаб бўлди.

1 сентябрь куни вилоятнинг барча шаҳар ва районларида Мустақиллик байрами тантаналари кечгача давом этди. Ҳокимликлар ходимлари, ХДП фаоллари, фахрий ва ногиронлар яшаётган оилаларда бўлишга, шифохоналардаги беморларни қутлуғ байрам билан табриклашга интилдилар.

● СИРДАРЁ

● Вилоят меҳнаткашлари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик байрами кунини кенг нишонладилар. Гулистон шаҳридаги «Спартак» ўйингоҳига эрталабдан минглаб кишилар тўпландилар.

Вилоят ҳокими Б. Маҳмудов уларни мустақиллик байрами билан қизғин қутлади. Сўнгра байрам томошалари бошланди. Олим Хўжаев номли вилоят музикали драма театри санъаткорлари ва халқ ижодий дасталари иштирокида театрлаштирилган катта ва қизиқарли концерт программаси намойиш этилди. Турли қизиқарли чиқишлар бўлди.

1 сентябрь куни байрамона тусга кирган шаҳарнинг кўча ва ҳиёбонлари одамлар билан гавжум бўлди. Халқ сайллари ўтказилди, савдо ярмаркалари ташкил этилди. Гулистон шаҳар транспортининг асосий қисми бир гуруҳ ҳомийлар ташаббуси билан байрам куни аҳолига бепул хизмат кўрсатилди. Шаҳар истироҳат боғида эса кичкинтойларга бепул хизмат қилинди.

Мустақиллик байрами вилоятнинг барча шаҳар ва районлари, кўрғон ва қишлоқларида кенг нишонланди.

● САМАРҚАНД

● Самарқанд Ўзбекистон мустақиллиги байрамига пухта тайёрланди. Шаҳар ва районлардаги кўчалар, хиёбонлар ва майдонлар узра мустақил республикамизнинг уч рангли байроқлари ҳилпиради.

Байрамга атаб «Самарқанд ерининг саховати» савдо кўргазмаси очилди. Қишлоқ меҳнаткашлари шаҳарликлар байрам дастурхонига сара мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари етказиб берди.

Биринчи сентябрь эрта тонгданоқ тантаналар бошланишидан дарак берувчи, қалбларга қувонч ва завқ бахш этувчи куй-қўшиқлар янгради. Регистон майдони тантаналарнинг асосий манзилига айланди. Байрам дастурига мувофиқ бу ерда қизиқарли учрашувлар, бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари бўлди. Вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов Мустақиллик куни муносабати билан самарқандликлар ва шаҳар меҳмонларини самимий табриклади. Тошкент ва Тожикистондан келган хонандаю созандалар иштирокида катта концерт берилди.

● ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

шаҳарлари ва Нукусда истиқлол байрамининг бир йиллиги кўтаринки руҳда нишонланди. Меҳнаткашларнинг оммавий сайллари уюштирилди.

Репортажларни «Ўзбекистон овози» мухбирларидан А. ҚУРОНБОЕВ, Н. НАИМОВ, О. УСАНОВ, М. КАРОМОВ, Б. САТТОРОВ, А. УМАРОВ, А. МАДАТОВ, М. ШАРОПОВ, А. МАННОПОВ ва ЎзА мухбирлари Р. КАМОЛОВ, Х. ШУКУРОВ, Ю. ИБРОҲИМОВлар тайёрлашди.

ОДИМЛАРИ

1991 ЙИЛ СЕНТЯБРЬ—1992 ЙИЛ СЕНТЯБРЬ

ти Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компаниясига айлантирилди.

● 28 январь. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил қилинди.

● 5 февраль. Ўзбекистон Ахборот агентлиги (ЎзТАГ) Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги (ЎзА)га айлантирилди.

● 10 февраль. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети тузилди.

● 21 февраль. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилди.

● 15 март. Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш, юқори малакали мутахассислар ва илмий кадрлар тайёрлашни яхшилаш, шунингдек республиканинг барча минтақаларини кадрлар билан яна ҳам тўлиқроқ ва бир текисда таъминлаш мақсадида янги дорилфунунлар ва институтлар очилди. Кейинчалик Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти билан республика рус тили ва адабиёти педагогика институти негизида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари дорилфунуни ташкил этилди.

● 24 март. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати ҳузурида чегара қўшинлари бошқармаси тузилди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган Ўрта Осиё чегара округининг қисмлари ва бўлинмалари шу бошқарма тасарруфига ўтказилди.

● 27 март. Мустақил Ўзбекистон Республикаси мусулмонларининг истак ва хоҳишлари инобатга олиниб ҳамда фуқаролар ўртасида меҳр-оқибатни барқарорлаштириш мақсадида Рўза ҳайитининг биринчи куни дам олиш куни деб тайинланди.

● 31 март. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Олий аттестация комиссияси ташкил этилди.

● 28 май. Республика қишлоқ хўжалик корхоналарини қўшимча қийматдан бюджетга солиқ тўлашдан озод қилишга қарор қилинди.

● 2 июль. Президент «Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига имзо чекди.

● 3 июль. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига айлантирилди.

● 24 июль. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоралари кўрилди.

● 10 август. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ташкил этилди.

● 22 август. Ўзбекистон ўқув юртларида ҳар йили 1 сентябрда «Мустақиллик куни» ўтказишга қарор қилинди.



Истиқлол бизга нима берди

Фермер Умматқул Шойимов:

МЕН МИЛЛИОНЕРМАН

● Мен миллионерман. Чунки уй-жойим, енгил автомашинам, қўша-қўша тракторлару прицепларим, етмишдан зиёд қорамол-у от, юздан зиёд қўй-қўзим бор. Қолаверса банкдаги ҳисобимда бир миллион сўмдан зиёд нақд пулим ҳам мавжуд. Бас, шундай экан, мен миллионер бўлмай, ким миллионер бўлсин?



Буларнинг бари менга жонажон юртимиз — Ўзбекистон мустақилликка эришганлиги туфайли насиб этди. Буни истиқлолнинг бир йиллиги байрами кунларида зўр мамнуният билан айтаётганимнинг боиси бор, албатта. Боиси шуки, ўтган бир йиллик қисқа давр мобайнида Ўзбекистонимизда катта ўзгаришлар юз берди. Биргина қишлоқ хўжалигидаги янгиликларни олайлик: ҳозирги пайтда пахта якка ҳокимлигига тобора чек қўйиб бориляпти. Етиштирилган толанинг бир қисмини хўжаликларнинг ўзлари сотиб, мўмай даромад олишмоқда. Бу, албатта, меҳнат аҳлининг турмуш фаровонлигида ўз аксини топяпти. Даромад кўпайиб, қишлоқларда янги-янги уйжойлар бунёд этиляпти.

Айниқса, шу йилнинг 27 март куни, яъни деҳқончилик-саноат мажмуи ходимларининг қурултойи арафасида республика раҳбарларининг фермерлар, ижара чилар, кичик корхоналар ва шахсий хўжаликлар раҳбарлари билан учрашувида айтилган гаплар ҳамон эсимда, Ўша куни фермерлар ҳаракатининг 400 дан зиёд раҳбарлари қатори мен ҳам йиғилишда қатнашдим. Республикамиз Президенти, бошқа нотиқларнинг қишлоқ меҳнат аҳли вакилларини, хусусан мен сингари оддий подачини маслаҳатга чақиришлари бизга қанот бағишлайди, албатта. Устига-устак олдимизда турган муаммоларни тезроқ бартараф этишга ёрдам беради.

Ана шу ғамхўрликлар сабабли фермерлар бирмунча ютуқларга эришдилар. Хусусан ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам, мен аслида бахмалликман. Чўлни обод қилиш учун олтмишинчи йилларда келганмиз. Кўп йил пахтачилик бригадасига етакчилик қилдим. Каттакичик раҳбарлик лавозимларида ҳам ишладим. Ниҳоят тўқсонинчи йилга келиб оила аъзоларимиз билан фермерлик хўжалиги ташкил қилишга қарор қилдик. Шароф Рашидов (аввалги Ильич) районидаги Шароф Рашидов (аввалги «Правда» газетаси») номли давлат хўжалиги билан шартнома тузиб, «Бахмал» деб номланган фермер хўжалиги туздик.

Банкдан 150 минг сўм қарз олиб, шунинг 70 минг сўмига бозордан қорамол, жумладан 36 бош соғин сигир сотиб олдик. Қолган 80 минг сўмга эса хўжаликдан техника, яъни иккита трактор, пресс-подборщик, бир неча-кундузда 50—60 тонна аралаш озуқа тайёрлаш қувватига эга бўлган цех, 100 та қорамолга мўлжалланган молхона харид этдик. Яна қирқ гектар ер ҳам бизнинг ихтиёримизга берилди. Ўша йили совхоз ҳам қараб турмади. Бизга 100 тонна дағал хашак, 70 тонна аралаш озуқа, арзон нархда, яъни килоси 6—8 тийиндан маккажўхори дони, арпа берди.

Халқимизда «Сабр таги— олтин», «Меҳнат қилсанг, етарсан муродга» деган ҳикматли гаплар бор. Оиламиз аъзолари буни яхши тушуниб ишлашди. Шу боис дастлабки йилнинг ўзида кутилган натижага эришилди. Ўша йили совхозга 80 тонна сут сотдик. Қўйларимиз кўпайиб юстадан ошди. Банкдан олган қарзлардан қутулиб, фойда кўра бошладик. Ўтган йили ҳам совхозга 80 тонна сут етказиб бердик.

Бу йил эса гўшт етиштиришни кўпайтирамиз. Хўжаликка уч тонна гўшт етказиб бериш юзасидан шартнома туздик. Қўшни Ғафур Ғулом номли совхозга эса 20 тонна гўшт сотамиз. Шу боис турмуш ўртоғим Шакар, укам Мадумар, ўғилларим Шамсиддин, Эркин, қизим Ўғилой, келиним Адолат, неварам Қодир билан биргаликда астойдил ишлаяпмиз.

Энди икки оғиз режаларим ҳақида. Аввало шуни айтиб ўтишим керакки, шу йилнинг июль ойида фермамизга италиялик фермерлар келишиб, ишларимизни кузатишди. Уларнинг нияти — бизга амалий ёрдам бериш. Шу ерда сутни қайта ишлаш цехи қуришни мўлжаллашди. Қолган аниқ ҳисобларни келгуси ташрифларида амалга оширишади. Ўзимиз эса Бахмалда ҳам бирмунча қурилишлар қилмоқдамиз. Масалан, Бахмал район ҳокими Ҳамза Амирқулов ёрдамида тегирмон, мойжувоз бунёд этяпмиз. Лалми ерларнинг 350 гектарида озуқа ва дон етиштирмоқчимиз.

Қўнглимга тугиб қўйган яна бир сўзим бор. Буидан буён хоҳлаймизми, йўқми, иқтисодиётимизнинг келажаги фермер (деҳқон) хўжалиги билан боғлиқ эканлиги кўриниб қолди. Шу боис фермерларга вақтида ер бериб, банклар уларни пул билан таъминлаб турса, кўнгилдагидек бўларди. Қолганини эса ишбилармон одамнинг ўзи эплайди. Шунда тадбиркорликка йўл очилиб, тез орада маҳсулот кўпаяди. Пировардида мустақил республикамиз аҳолисининг дастурхони сифатли маҳсулотга тўкин бўлади.

У. ШОЙИМОВ,
Шароф Рашидов районидаги Шароф Рашидов номли давлат хўжалигидаги «Бахмал» фермерлик хўжалиги раиси.

«Мустақиллик йўли—истиқбол йўли» байрам йўқламаси

• ФАРҒОНА

ИСТИҚЛОЛ КЎРИГИ

Жонажон Ўзбекистонимизнинг барча води-ювоқаларида бўлганидек, Фарғона вилоятида ҳам мустақиллигимизнинг бир йиллиги тантаналарига муносиб тайёргарлик кўрилди. Мухбиримиз байрам арафасида вилоят ҳокими М. И. ИСЛОМОВ билан учрашди ва шу хусусда суҳбатлашди.

— Мирзажон Йўлдошевич, халқимизнинг асрий орзуси ушалган куннн байрам қилиш вилоятда фарғоналикларга хос жўшқинлик, хушчақчақлик, кўтаринкилик руҳида ўтиши шубҳасиз. Мана шу улуғ айём ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, мустақилликка айримлар ўйлаётгандек осонликча эришилмади. Ўзбек халқининг юз йиллик орзусига миллатимизнинг неча-неча қаҳрамон ўғил-қизлари олиб борган фидокорона кураш, Президентимиз Ислом Каримовнинг оқилона, узоқни кўзлаб олиб борган сиёсати туфайли эришилди. Фарғонада мустақиллик байрамига катта тайёргарлик кўрилди. Зеро, Фарғона рус босқинчиларига қарши курашиб, қатл этилган Пўлатхон, шу курашга ҳаётини бахш этган Қурбонжон додхо, Дукчи Эшонлар юрти, 1917 йил октябрь тўнтаришидан сўнг Туркистондаги илк мустақил мусулмон давлати айни бизнинг заминда — Қўқонда эълон қилинган. Туркистон истиқлоли учун курашга жони-жаҳонларини бахш этган Мадаминбек, Шермуҳаммадбек ва бошқа ўнлаб фидоийлар Фарғона фарзанди бўлган. Тарих уларнинг ҳаракатларига энди ўзининг одил баҳосини беряпти. Муборак мустақиллик айёми нишонланаётган дақиқаларда уларнинг ҳам номлари эсланди, ҳурматлари бажо келтирилди.

— Ўзбекистонни дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқиш олдимизга қўйган бош вазифамиздир. Фарғона вилоятининг республикада эгаллаб турган мавқеи ҳокимликдан ва барча меҳнаткашлардан катта куч-ғайрат сарфлашни тақозо этади.

— Дарҳақиқат, ўзининг иқтисодий қуввати жиҳатидан вилоятимиз республикада Тошкент шаҳридан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Бизда замонавий, қудратли саноат корхоналари, ривожланган қишлоқ хўжалиги, катта илмий техника қудрати мавжуд. Афсуски, мустамлака тузуми даврида бу улкан иқтисодий имкониятдан тўла фойдаланишнинг иложи бўлмади. Эндиликда аҳвол ўзгарди. Вилоятнинг саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари, илм-фан муассасалари жаҳон бозорига чиқмоқдалар. Чет эл ишбилармонлари билан қўшма корхоналар қурилляпти. Масалан, финлар Қўқонда бир неча корхоналарни қайта жиҳозлашди. Қувада италянлар билан ҳамкорликда озиқ-овқат корхонаси ишга туширилди. Вилоятда, шунингдек, кооператив ва кичик корхоналар ҳаракати ҳам ривожланган. Ҳозирги пайтда Фарғонада 507 та кооператив, 907 та кичик корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Улар ҳисобидан маҳаллий бюджетга 11,5 миллион сўм пул тушди. Бу соҳада ҳали кўп ишлар қилишимиз керак.

— Фарғона жўғрофий ўрни ва миллий тузилишига кўра анча мураккаб ўлка...

— Вилоятимиз Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари билан чегарадош, бизнинг айрим аҳоли яшаш пунктларига эса фақат қирғиз дўстларимиз ҳудуди орқалигина ўтиш мумкин. Шундай зарурият уларда ҳам бор. Бу кўҳна диёрда қадимдан турли миллат кишилари биргаликда яшаб келганлар. Ана шу омиллар Фарғона водийсидаги халқларнинг бир-бирлари билан мустаҳкам дўстона алоқада бўлишини тақазо этади. Яқинда Фарғонада, Ўш, Жалолобод, Ленинобод, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимлари учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уни янги босқичга кўтариш ҳақида келишиб олинди. Ўзаро маданий ва иқтисодий алоқаларимиз эндиликда янада ривожланади. Зеро, водий шароитида бу йўл тараққиётни жадаллаштиришнинг энг муҳим омилларидандир.

— Мирзажон Йўлдошевич, биз сизни жиддий раҳбар сифатидагина эмас, балки ижодкор, санъатсевар кишиларнинг яқин дўсти, тарихий-иқтисодий мавзулардаги жиддий таҳлилий публицистик асарлар муаллифи сифатида ҳам биламиз. Вилоятнинг зиёлилари турмуш фаровонлигини бозор иқтисодиётининг мураккаб шароитларида ҳам пасайтирмаслик учун нималар қилиняпти?

— Президентимиз Ислом Каримов Фармонига кўра вилоятдаги юзлаб ижодкор ва тиббиёт ходимлари бепул турар жойларга эга бўладилар. Вилоят миқёсида ҳам бу табақанинг турмуш шароитини яхшилашга диққат-эътиборни қаратганмиз. Масалан шу йилнинг 6 ойида ишлаб чиқаришдан режада кўзланганидан 1 миллиард сўм ошиқ солиқ тушди. Давлат даромадлари режаси 145 фоизга уддаланди. Мана шу эвазига бюджетнинг эркин қолдиғи ҳисобидан 35 миллион сўмдан кўпроқ маблағ Президентимизнинг халқ турмуши даражасини оширишга қаратилган фармонларини пул билан таъминлашга ажартилди. Бу маблағ асосан соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият соҳаларига сарфланаяпти.

Байрамни кўнгилли ўтказиш юзасидан тузган тадбирларимиз амалга оширилди. Саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари жамоалари айёмга муносиб меҳнат совғалари билан келдилар. Илгарилари ўзбек шаҳарларининг дарвозалари бўларди. Чор империяси бизни истило қилиб олгач, бу дарвозалар йўқолиб кетди. Яқинда Фарғона шаҳрига кираверишда унинг рамзий дарвозаси қурилишини бошладик. Бу эндиликда она юртимиз ўзимизга тегишли эканлиги, жаҳон халқларининг оиласида ўз ўрнимиз борлигидан даракдир. Биз сўз билан айтганда, байрам улкан шодиёнага, Мустақиллигимизнинг мустаҳкам эканлиги кафолати кўригига айланди.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Суҳбатдош: А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎН БЕШ ЁШЛИ ТАЛАБА

● Ўн беш ёшли Баҳодир Фозилхўжаев Фарғона Давлат политехника олий илмгоҳининг Қўқон филиалининг талабалигига қабул қилинди. Баҳодиржон 1977 йил 30 мартда туғилган. У биринчи синфданоқ илмга чанқоқлиги, фанларни сабоқдошларига нисбатан тез ва мукаммал ўзлаштириб олиш билан устозлари назарига тушди. Ғайри оддий қобилият эгаси кейинги йилда тўрт синф ўқув дастурини тўлиқ ўзлаштирди. Махсус комиссия унинг билимини текшириб кўриб, Баҳодирни ўрта маълумотни тўлиқ олган деган хулосага келди. У 8-ўрта мактабни муддатидан илгари, олтин медаль билан тугатди.

Баҳодир рус ва инглиз тилларини билади. Қуръони Каримни ихлос билан ўқийдиган бу йигитча 11 ёшидан буён беш вақт намозни канда қилмайди. Унинг отаси Бурхонжон Фозилхўжаев вилоятнинг танқили журналистларидан ,онаси Муборак Каримова эса Қўқоннинг обрўли муаллимаси.

— Мен муҳандис — иқтисодчилик факультетини бежиз танламадим, — дея орзулари ҳақида ўртоқлашди Баҳодир, — Мустақил Ўзбекистонимиз учун аниқ фанларни пухта эгаллаб, янги ғоялар, кутилмаган ечимлар билан иқтисодиёт тараққиётини жадаллаштиришга қобил фарзандлар керак. Олий илмгоҳда ҳам бутун вақтим, куч-ғайратимни илм олишга сарфлайман.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

Обидхон ака Қориев Тошлоқ район сув хўжалиги бошқармасида 40 йилдан ортиқ тер тўкмоқда. Унинг фарзандлари ҳам оталари изидан бориб, шу ерда меҳнат қилишяпти.

СУРАТДА: Обидхон ака Қориев ўғли Амирали билан.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

• АНДИЖОН

МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН САОДАТ

Вилоят ҳокими Қаюм ХОЛМИРЗАЕВ билан мулоқот

— Қаюм Холмирзаевич, келинг, суҳбатни мақсаддан бошлаб қўя қолайлик. Мустақиллик Андижон вилояти ҳаётида қандай ўзгаришлар ясади?

— Мустақиллигимиз расман тан олинганига бир йил бўлди. Ҳурлигимиз, озодлигимиз, эркинлигимиз бир ёшга тўлди. Мустақиллик замирида юртнинг, миллатнинг, ҳар бир фуқаронинг эртанги тақдири мужассам. Мустақиллик — тараққиёт мезонидир, дунё билан боғланишнинг яшил чироғидир.

Мустақиллик бизга кўп нарсалар ҳадя қилди. Вилоятимиз ўнлаб ривожланган мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатди. Кеча далада кетмон кўтариб юрган деҳқонлар бугун чет элликлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар барпо этиб, маҳсулот ишлаб чиқара бошладилар. Ҳозир вилоятимизда 45 та корхона ва ташкилот ўз маҳсулотини хорижга чиқармоқда. 8 та қўшма корхона Италия, Туркия, Хитой, Чехословакия, Швейцария, фирмалари билан ҳамкорликда маҳсулот ишлаб чиқаряпти. Асакаликлар Жанубий Кореяликлар билан биргаликда енгил автомобиль ишлаб чиқариш учун тайёргарлик кўришяпти. Минглаб мусулмонларимиз Маккаи Мукаррама— Мадина Мунавварани зиёрат қилиш бахтига мушарраф бўлдилар. Оддий андижонликлар енгил автомашиналарда бобомиз Бобур юрган йўллар бўйлаб хорижий мамлакатларни айланиб чиқишди.

Хуллас, вилоятимизда мустақиллик сари дадил қадам ташланди. Илгари Иттифоқ қарамоғида бўлган барча корхоналар Ўзбекистон ихтиёрига ўтди. Лекин Иттифоқдош республикалар ўзаро алоқасининг узилиши корхоналарнинг хом ашё ва эҳтиёт қисмлар билан таъминланишини қийинлаштириб қўйди. Шу сабабдан биз ўзаро хом ашё ва маҳсулот айирбошлаш йўлини тутдик. Натижа эса ёмон эмас.

Ўтган йили маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилга нисбатан уч ярим фоиз кўпайди. Меҳнат унумдорлиги эса 3,6 фоиз ортди. «Нитрон», механика заводларида, бадиий буюмлар, трикотаж фабрикалари, тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида қувватлар ана шу тарзда ошиб бораётгани қувонарлидир.

— Қаюм Холмирзаевич, истиқлол аграр снёсатимизга қандай таъсир кўрсатди? Шу ҳақда гапириб берсангиз?

— Пахта якка ҳокимлиги тезлик билан орқага чекинди. Қишлоқ хўжалигига юқоридан туриб буйруқ бериш барҳам топаётир. Давлат ва жамоа хўжаликлари ўзлари етиштирган маҳсулотларга ўзлари эгалик қилиб, уни ўзлари савдога олиб чиқишга интилаётирлар. Республика Президенти Ислом Каримов пахтакорларга ғамхўрликни кучайтириш тўғрисида фармон чиқарди. Бу имтиёзлар кучга кирди. Ўтган йили деҳқонларимиз пахта ҳосилининг 5 фоизи ва режадагидан ортиқча тайёрланган пахта ҳисобига 14 минг тонна пахта толасига эга бўлдилар ва очиқ савдога чиқдилар. Бундан олинган даромад хўжаликлар иқтисодиётини анча кўтарди. Бу йил эса режадаги ҳосилнинг 15 фоизи хўжаликларнинг ўзларида қолдирилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 30 март қарорига мувофиқ пахта, пилла ва чорвачилик, сабзавот, мева, полиз маҳсулотларининг харид нархлари 50 фоиз оширилди. Бу ҳам мустақиллик берган саодатдир.

Мустақил ҳаёт кечирган бир йилимиз давомида эришган ютуқларимиз талайгина. 30 минг гектар ер халққа томорқа сифатида берилди. Давлат ва жамоа хўжаликларида 1250 та майда корхоналар ишга туширилди. Ўн минглаб қишлоқ аҳолисига иш жойи яратилди. Аҳолига савдо, транспорт, алоқа, тиббиёт ва маиший хизмат кўрсатиш кўлами кенгайди. Товар айирбошлаш йўли билан четдан картошка, тухум, шакар, саноат моллари, қурилиш материаллари келтириб, вилоят меҳнаткашларига сотиш йўлга қўйилди.

Мен бу ютуқларни мақтаниш маъносида санаб ўтмадим. Мустақиллик берган саодатга ишора сифатида айтдим, холос. Нарх-навонинг кўтарилиб бораётгани, таъминотнинг ночорлиги, барча жабҳалардаги тангликдан одамлар азият чекаётганини кўриб, билиб турибмиз. Лекин бу қийинчиликлар вақтинча эканлигини одамлар онгига сингдиряпмиз. Бутун диққат-эътиборимиз, куч-ғайратимизни эртанги кунинг яхши бўлишига қаратяпмиз.

— Вилоятда мустақиллик шодиёнаси қандай нишонланди? Энди шу хусусда гаплашсак.

— Халқимизнинг яхши удумлари бор. Тўй олдидан хонадонни тартибга келтиришдир. Биз ҳам умумий хонадонимиз бўлган шаҳарлар, қишлоқларни байрам либоси билан ясантирдик. Ободончилик ҳафтаси ўтказиб, анча ишлар қилдик. Байрам арафасида уч кун мобайнида бева-бечора, етим-есир, ногиронлар аҳволидан хабар олишди. Шифохоналар, қариялар ва болалар уйларига бориб, табаррук отахонлар, онахонларимизни зиёрат қилиб, уларни байрам билан табриклади, беморлардан кўнгил сўрадик, совғасаломлар топширдик. Барча ташкилот, корхона, муассаса, давлат ва жамоа хўжаликлари ўз имкониятига қараб байрам куни юртга ош берди.

Байрам арафасида худди ҳайитдагидек қариндош-уруғларга, қўни-қўшниларга ош тарқатилди. Бу билан мустақиллик шодиёнаси ҳақиқий халқ байрами тусини олди.

Суҳбатдош: А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Районимизда қирғизлар кўп. Шу боисдан қўшни Ўш вилояти меҳнаткашлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаяпмиз. Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари Президентларининг Ўш шаҳрида бўлган учрашувида тузилган аҳдномаларга қатъий амал қиляпмиз. Ҳозир чорвадорларимиз қардош Қирғизистоннинг Қорағулжа яйловида қўй боқишяпти. Районимизда етиштирилган мўл ғалла ҳосилини йиғиштириб олишда Ўш вилоятининг Новқот, Қорасув, Сузоқ районларидан келган комбайнчиларнинг хизматлари катта бўлди.

Хўжалигимизга қирғизистонлик давлат арбоби Насирдин Исонов номи берилган. У автомобиль ҳалокатида ҳаётдан кўз юмган эди. Ўзбекистонда яшаётган қирғиз дўстларимизнинг ҳурмати унинг хотирасини абадийлаштирдик. Андижонлик қирғизлар билан ўзбеклар эт билан тирноқдек жипслашиб кетишган. Бу дўстлик мустақиллик кўприги бўлиб қолади.

И. ЭРМАТОВ,
Жалолқудуқ районидаги Насирдин Исонов номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси.

ДЎСТЛИК КЎПРИГИ

Булоқбоши пиллакашлик фабрикаси жамоаси бу йил режадаги 81 тонна ўрнига 84 тонна ипак ишлаб чиқариш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: фабрика ишчилари ишдан қайтишмоқда.

БОҒЛАР КЎРКИ

● Сиз ёзда ҳеч Қувасой боғларига келганмисиз? Исфайрам сойнинг зилол сувлари тошларга бошини ураётган соҳиллар бўйлаб ўнлаб чақиримга чўзилган олмазору, ноксорлар, Марғилоннинг луччак шафтолиси-ю, анвойи «бегим бармоғи» узумлар...

«Қувасой» давлат хўжалиги вилоятдаги йирик боғдорчилик корхоналаридан ҳисобланади. Хўжаликда ижара усули тўлиқ жорий этилган. Ижарачи соҳибкорларнинг тинимсиз меҳнатлари эвазига ҳосил чўғи ҳар йилгидан ҳам мўл бўлди. Хўжаликда ҳозиргача режадаги 112 тонна ўрнига 130 тоннадан зиёдроқ нок терилди. Олма ва шафтоли териш эндигина бошланган бўлишига қарамай, 50 тоннага яқин сарҳил олма ва 120 тоннадан ортиқ шафтоли териб топширилди

Катта майдонлардаги мевазор боғлар ҳосилини қисқа муддатларда териб тайёрлов корхоналари, савдо дўконларига бешикаст етказиб беришни таъминлаш осон иш эмас. Марғилон тиббиёт билим юртининг 250 дан зиёд талабаси хўжалик ишчиларига ёрдамга келган. Илгарилари бу боғлар ҳузурини минглаб чақирим олисда — шимол шаҳарларида кўришарди. Энди эса у Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқлари аҳолиси дастурхонини безамоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири.



ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

Корхонамиз Ўзбекистон Республикаси мустақил деб тан олинган куни иш бошлаган эди. Ҳозир биз учун қўшалоқ байрам! Жорий йилда 81 тонна табиий ипак тайёрлашимиз керак эди. Ҳозиргача 40 тоннага яқин саноат хом ашёси тайёрлаб бердик. Фабрикамиз ишчиларининг қарийб 80 фоизини аёллар ташкил этади. Болалик аёлларнинг иш вақти бир соатга қисқартирилган. Уларнинг фарзандлари фабрикамиз қошидаги боғчада тарбияланишяпти.

Ўтган бир йилда барча қулайликларга эга бўлган янги уй қуриб битказилди ва унга уй-жойга ўта муҳтож ишчилар кўчиб киришди. Фабрика ишчи ва хизматчиларига маълум миқдорда арзонлаштирилган атлас ва чит сотиляпти. Ҳар бир ишчига тушлик учун 12 сўмдан пул берилади. Текин тарқатиладиган қатиқсут бу ҳисобга кирмайди.

Режалаштирилгани бўйича, ҳар бир ишчи кунига қўл кучи билан бир килограмм ипакни пилладан чувиб ўраса, техника олти килограмм ўрайди. Кўриниб турибдики, техникага таянмасак бўлмайди. Шунинг учун корхонамиз Франциянинг машҳур «Толисти» фирмаси билан шартнома тузди. Улар бизга дастгоҳлар беришади, биз эса хом ашё юборамиз. Энг муҳими, фабрикамизда эндигина тетапоя бўлаётган районнинг 1200 фуқароси ишлаяпти.

Ўғилхон МИРЗАЕВА,
Булоқбоши пиллакашлик фабрикасининг катта назоратчиси.



ФАХРЛАНСАК АРЗИЙДИ

● Бу воқеага кўп бўлгани йўқ. Республика адлия вазири навбати билан федерациямиз вакилини таклиф қилар экан, биздан ҳам Карповлар чиқармикин, деган сўзларни қистириб қўйди. Шахматчиларимиз оқсоқолларидан бири сифатида федерациямиз расман рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи шаҳодатномани қўлга оларканман, кўп ўтмай вакилларимиз Филиппинга жўнайдилар, жаҳоннинг етакчи гроссмейстерлари билан бўлажак беллашувларда ўзларини кўрсатсалар ажабмас, деган гаплар бўлди.

Ниҳоят узоқ Филиппин оролларида 30-жаҳон шахмат олимпиадаси кунлари ҳам етиб келди. Тантанали маросимни мамлакат президенти Окино хоним табрик сўзи билан бошлаб берди. Ўша куни журналистлар билан учрашган жаҳон чемпиони Г. Каспаров ғолиблик учун кураш асосан Россия, Англия, АҚШ, Голландия ва Украина вакиллари орасида бўлади, деган эди. Бу гапда жон бор эди, албатта, чунки мазкур жамоаларнинг ўртача рейтинг мавқеи шундан далолат берар эди. Бироқ, беллашувлар жараёнида ўзгачароқ воқеалар рўй берди: кўпгина мамлакат терма жамоаларининг мавжуд, аммо ҳали ниш уришга улгира олмаган ички имкониятлари ҳисобга олинмаганлиги билиниб қолди.

Вакилларимиз олдин Олмония, сўнгра Англия шахматчиларини 2,5:1,5 ҳисобида енггач, йирик телеграф агентликлари бу воқеаларни чинакам сенсация, деб хабар тарқатдилар. Маниладаги баҳсларни диққат билан кузатиб борган республикамиз аҳли, бор экансизлар-ку шоввозлар, дея навбатдаги хабарларга жон қулоғини осиб турди.

Муайян масофа орасида қаддини ростлаб, жаҳоннинг 112 мамлакати вакилларининг сардор жамоалари қаторига ўтиб олган «жангчиларимиз» кейинига ҳам суръатни бўшаштирмадилар. Гўё истиқлол нафаси ақл-заковатларига қувват бағишлаб турган эди. Якунловчи 14-учрашув арафасида ўзбекистонликлар учинчи поғонани эгаллаб турар, бўлажак рақиблари — исроилликлар эса ғолиб чиққан тақдирда шу ўринга чиқиб олардн. Бу орада уларнинг ҳар бирига катта совринлар ваъда қилинганлиги ҳам маълум бўлиб қолди. Матонат билан жанг қилиш йигитларимизга 3:1 ҳисобидаги ютуқ келтирди ва мавқеларини сақлаб, бир поғона кўтарилиб олиш имкониятини берди.

Олимпиаданинг тантанали ёпилиш куни иккинчи бўлиб мустақил Ўзбекистоннинг ложувард-яшил байроғи кўтарилиб, жамоамиз аъзоларига кумуш медаллар топширилди. Бундай оламшумул воқеа умуман Ўзбекистон спорти тарихида биринчи маротаба юз беришидир. Ростига кўчадига 2,5 очко олди. Саидалиларни кўпайтириш эндиги бурчу вазифамиз бўлмоғи лозим. Нима бўлганда ҳам жаҳон жамоалараро баҳсида иштирок этадиган бўлдик.

ХАЛҚАРО МАЙДОНЛАР САРИ

● Тошкентдаги Республика шахмат клуби —ўттиз йил мобайнида гроссмейстерлар ғолиблар эса Ўрта Осиё республикалари ва Мўғулистон вакилларининг мусобақасида беллашиб, кейинги босқич минтақалараро турнирига йўлланма олиш учун курашадилар.

Азмиддин Хўжаевнинг номи эндиликда жуда машҳур. Бу улкан устознинг 100 йиллиги ва шу қийин, мураккаб, аммо охири баҳайр бўлгувчи кунларга тўғри келиб қолганлигида ҳам бир ҳосият бўлса ажаб эмас. Уюшмамиз ана шу улкан мусобақани Азмиддин Хўжаев хотирасига бағишлашга қарор қилдики, унинг руҳи шод бўлғай.

АСЛ ВАКИЛЛАРИМИЗ БЎЛАДИ

● Етакчи шахматчиларимиз сафида ўзбек ёшлари жуда камлигидан ранжиётган мухлислар тез-тез: «Истеъдодли ниҳоллар борми?» —деган саволни кўндаланг қўймоқдалар.

— Бор! —деган ҳолда бит-таси ҳақида қисқача маълумот берсак. Бу, ўсмирлар ўртасида республика чемпиони Рустам Қосимжоновдир. У ҳали 13 ёшга ҳам тўлгани йўқ. Рустам Катар деган араб мамлакатига жўнаб кетди. Бу ерда Рустам тенгқурлари билан Осиё биринчилиги учун баҳс юритади. У тошкентлик спорт усталигига номзод бўлиб, республика чемпиони Александр Грушевскийнинг шогирди. Боодоб ва бамаъни бу йигитча ўқишда ҳам илғор. Шахмат бобида ҳам салоҳиятли.

Бир вақтлар, аниқроғи 1966 йили 12 ёшли Г. Аъзамовнинг дастлабки гроссмейстеримиз бўлиши ҳақида «каромат» қилгандик ва 17 йил ўтгач, мурод ҳосил бўлганди. Рустам Қосимжонов эса бу мартабага эртароқ эришса, ажаб эмас.

Миллий кадрлар хусусида яна бир маълумот. Яқинда Республика шахмат клубининг 22-очиқ биринчилигида кўпгина республикалардан 170 нафар киши қатнашди. Кўпчилиги ёшлар. Спорт усталарию шунча номзодлар бир ёқда қолиб, 1000 сўмлик биринчи совринни Тошкент давлат дорилфунуни талабаси, биринчи разрядли шахматчи Ш. Уроловга насиб этди. Жами таъсис этилган 24 та совриннинг анчагинаси ёш вакилларимизга текканидан кўпчилик мамнунлик изҳор қилгани сезилиб турди. Оммавийлик учун белгиланган махсус совринн мусобақага ўнтага яқин ёш шахматчи юборган Қашқадарё вилоятига берилди. Қашқадарё даштларидаки бу қадимий ақл-идрок ўйини — ўзбекларнинг чинакам миллий спорт турларидан бири шахматга бўлган қизиқиш шунчалик ортиб бораётган экан, эндиликда сафларимиз кенгайиб боришига ишонса бўлади. Биз эса уларнинг тарбияси, такомиллашуви хусусида бош қотиришимиз даркор.

Шатранж оламида

ЎЗБЕК ГРОССМЕЙСТЕРИ ЧИҚСА, АЖАБМАС

Мамажон МУҲИДДИНОВ «Ўзбекистон овози» шахмат шарҳловчиси.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДХОНАСИДА

● ФОТИМА АБДУЛЛАЕВА: ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР

● ИСТИБДОД ЗУЛМАТИДАГИ ЮЛДУЗЛАР

● МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ЎЗИ БЎЛМАЙДИ

● «ПОДПОЛКОВНИК НЕГА ИШДАН ОЛИНДИ» МАҚОЛАСИ МУШТАРИЛАР ЭЪТИБОРИДА

● «ШАКАР ОПЕРАЦИЯСИ» (ФЕЛЬЕТОН)

● МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ: «КИМГА ФОЙДАЮ, КИМГА ЗАРАР?»

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси саноатда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиб туриш ва кончилик назорати Давлат комитети раҳбарияти вилоятлараро инспекция бошлиғининг муовини В. Комиловга отаси

Омил КОМИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат Аграр университети ректорати ва касаба уюшмаси ташкилоти фитопотология ва микробиология кафедраси мудири И. М. Иминовга рафиқаси

Рима Бегларовна ЖУНАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ — ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди—20.00.
Г—340. № 174. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.